
Китобхонлик ҳафталиги муносабати билан Дангара тумани ҳокими Ш.Тожиҳакимовнинг табрик сўзи.

Ассалому алайкум азиз меҳмонлар, қадрли китобсеварлар. Мен барчангизни вилоятимиз миқёсида 18-23 апрелгача бўлиб ўтадиган китобхонлик ҳафталиги билан чин кўнгилдан табриклайман. Ҳеч биримизга сир эмаски, халқни, айниқса, ёшларни оммавий китобхонликка ўргатиш, маърифий масканларни нодир адабиётлар билан бойитишга қаратилган бу ташаббус мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори бўлган маънавий соҳадаги ислохотларимизнинг амалдаги яққол ифодасидир. Тараққиёт стратегиясининг муҳим йуналишларидан бири бўлган бу соҳага муносабатимиз ислохотлар жараёнидаги фаоллигимизни, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** қиёфасини шакллантиришдаги онгли иштирокимизни баҳолаб беради, десак муболаға бўлмайди. Бу фикрлар шунчаки баландпарвоз гаплар учун эмас, балки китобнинг ҳаётдаги, қолаверса, жамиятдаги ўрнимизни белгиловчи муҳим манбалигини эслатадиган ҳаётий ҳақиқатдир. Чунки китоб-маънавий қарашларимизни ўзгартиради, дунёқарашимизни бойитади, кундалик ҳаётда яхши ва ёмонни ажратишимизда бизни зарур билим билан қуроллантиради. Шунинг учун ҳам бугун Данғарада бошланаётган китобхонлик ҳафталиги барчамизга бирдек масъулият юклаши керак. Ўзини шу жамиятнинг муносиб фарзанди, деб билган ҳар бир маърифатли раҳбар ўзи учун қадрли бўлган китоблардан ҳеч бўлмаганда 5 донасини бугун шу кутубхонага совға қилади. Бу ҳам бир яхшилик. Бу ҳам жуда катта маънавий эҳсон, десам адашмайман. Чунки, бугун биз танлаган китобларни ўқиган юртдошларимиз ўзини яхши томонга ўзгартира олса, турмуш тарзидаги ўзаро муносабатларини танқидий баҳоласа, кимнидир озор берган кўнглини ОБОД қилишга аҳд қилса, ДЕМАККИ, ҲАФТАЛИК ЎЗ МАКСАДИГА ЕТИБДИ,

Мен барчангизни яна бир бор бугунги маънавият байрами билан табриклайман. Юрагида яхшилик қилишни истаган маърифатпарвар инсонлар борки, ҳафталикда фаол иштирок этишга чакираман. Туман ҳокими сифатида мана шу 100 жуфт китобни сиз азиз китобхонларнинг сеvimли маскани бўлган ушбу кутубхонага совға қиламан. Эслатиб ўтаман, ҳар бир сектор раҳбарлари, корхона ва ташкилотлар ҳам ҳафталикка албатта ўз хиссаларини кўшадилар. Биз бу ҳафталикни шунчаки китоб совға қилиш билангина эмас, балки келажакда раҳбарлар орасида ўтказиладиган китобхонлик танловлари билан йил давомида ҳам нишонлаб борамиз.

Эътиборларинг учун катта раҳмат.

2022-04-28 15:03:19